



IMPROVING THE PREVENTION OF CRIMES COMMITTED BY WOMEN

Babakhanov Hamdam Kadamovich

Teacher of the Department of prevention activities of violations of the Academy of the Republic of Uzbekistan, major
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10968196>

ARTICLE INFO

Received: 06th April 2024

Accepted: 12th April 2024

Online: 13th April 2024

KEYWORDS

Women, crime, cause, conditions, prevention, internal affairs bodies, preventive inspector, improvement, proposals, recommendations.

ABSTRACT

This article covers the analysis of crimes committed by women, the reasons for the commission of these crimes and the conditions that allow them. At the same time, scientific and theoretical recommendations have been developed on the activities of preventive inspectors on the Prevention of crimes committed by women and on the improvement of the Prevention of these crimes.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ ЖЕНЩИНАМИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Преподаватель кафедры профилактики правонарушений Академии МВД Республики Узбекистан, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10968196>

ARTICLE INFO

Received: 06th April 2024

Accepted: 12th April 2024

Online: 13th April 2024

KEYWORDS

Женщины, преступление, причина, обстоятельства, профилактика, органы внутренних дел, инспектор по профилактике, улучшения, предложения, рекомендации.

ABSTRACT

В данной статье рассматриваются преступления, совершаемые женщинами, анализ причин и условий способствующих совершению этих преступлений. А также, была разработана научно-теоретическая рекомендации по совершенствованию профилактики преступлений совершаемых женщинами.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10968196>



ARTICLE INFO

Received: 06th April 2024

Accepted: 12th April 2024

Online: 13th April 2024

KEYWORDS

Хотин-қизлар, жиноят, сабаб, шарт-шароитлар, профилактика, ички ишлар органлари, профилактика инспектори, такомиллаштириш, таклифлар, тавсиялар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар, ушбу жиноятларни содир этилишининг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитлар таҳлили ёритилган. Шу билан бирга профилактика инспекторларининг хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасига доир фаолияти ва ушбу жиноятларни профилактикасини такомиллаштиришга доир илмий ва назарий таклиф тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда ҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг сабаблари, шахсда ғайриижтимоий ҳуқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки унинг ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Жиноий ҳуқ-атворнинг вужудга келишига ижтимоий муҳит сабабчи[1], дейди А.Кетле. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва туҳматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда. Юртбошимизнинг **“Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда”**[2] деган фикрлари қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи қонуний равишда аёлларнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади. Бундай алоқа жиноий қилмишлар соҳасида ҳам мавжуд. Аёлларнинг бандлиги ва улар томонидан содир этилган жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик кузатилади. Бундан аёллар жиноятчилигини ва умуман жиноятчилик муаммосини муайян тарихий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганиш керак бўлади. Муайян ижтимоий вазиятларнинг таҳлилигина мазкур мураккаб муаммони ҳал қилиш имконини беради[3].

Аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминологик таҳлили шуни кўрсатадики, аёллар жиноятчилиги ўзгармас эмас, балки ҳаётнинг турли соҳаларидаги



ўзгаришлар, албатта, унинг тузилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва у илгари ўзида бўлмаган хусусиятларни касб этиб боради. Шунга қараб аёллар жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилишидаги сабаблар, шароитлар, муаммолар, муҳит ва аёлларнинг ижтимоий келиб чиқишини ҳам инобатга олишимиз керак.

Ушбу йўналиш бўйича шуни таъкидлаш лозимки, *“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*[4]ги Президент қарори билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Республика комиссиясининг «Жиноятлар, ижтимоий-маиший тусдаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда жамоатчиликнинг юқори қизиқишини уйғотадиган воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида»[5]ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан янгича тизим яратилган эди.

Тизим ходимлари хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда, амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир.

Бунга кўра Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан пойтахтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларни олдини олиш бўйича 2023 йил 12 ой давомида бир қатор тизимли амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида пойтахтда мавжуд 575 та маҳалланинг 92 тасида ёки 16 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида, ҳамда оила-турмуш муносабатларидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни таҳлили параллел тарзда олиб борилиб, ўтган даврнинг 12 ой давомида хотин-қизлар томонидан жами 1101 та жиноятлар содир этилган бўлиб, шундан 859 таси ёки 21,9 фоизи ички ишлар органлар томонидан аниқланган[6] жиноятларни ташкил этган.

Ички ишлар органлар томонидан аниқланган Хотин-қизлар жиноятларнинг салмоқли қисми, яъни 66,1 фоизи Чилонзор тумани (159 та) ва Миробод тумани (132 та) ҳиссасига тўғри келган[7].

Шунингдек, айрим туманларда жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ҳамда улар билан ўз вақтида профилактик тадбирларни ташкил этиш ишлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Тошкент шаҳри бўйича Ички ишлар органларининг ташаббуси билан 2023 йил 12 ой давомида зўравонликдан жабр кўрган, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож 2301 нафар аёлларга ҳимоя ордери берилган бўлиб, *маълумот учун, мазкур зўравонликларнинг 1841 таси оиладаги келишмовчилик, 117 таси моддий етишмовчилик, 93 таси рашк туфайли, 250 таси оиладаги учинчи шахс аралашуви*[8] оқибатида келиб чиққан.



Аёлларга нисбатан зўравонликларнинг 1268 таси турмуш ўртоғи, 131 таси қайноналар, 112 таси келинлар ва 790 нафари[9] бошқа шахслар томонидан содир этилган.

Ҳимоя ордери чекловларига риоя қилмаган жами 46 нафар шахсга, шулардан МЖТКнинг 206¹-моддасига асосан 34 нафар фуқарога маъмурий чоралари кўрилган[10], шунингдек ҳимоя ордери расмийлаштирилган даврда 12 нафар фуқарога нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикасини кучайтириш ва улар томонидан содир этилаётган жиноятларни таҳлилидан келиб чиқиб, тизимли ва мақсадли чора-тадбирларни белгилаб олиниши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизга маълумки, эр-хотин, ака-ука, қўни-қўшни, қариндошлар ўртасидаги низолар ва таълим муассасаларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар деб баҳоланади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора тадбирлар кўрилмаса, бу жиноят бўлиб илдиз отиши мумкин.

Кўпинча аёллар жиноятчилигида ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юқтириш кўпчиликини ташкил этади[11]. Хозирда хотин-қизлар, энг оғир жиноят қасддан одам ўлдиришга ҳам қўл уришмоқда.

Мисол учун, оила –турмуш доирасида 6 та одам ўлдириш содир этилган бўлиб, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганилганда, жиноятлар ўзаро муросага келиша олмаганлиги ва маст ҳолатда, руҳий касаллиги туфайли, эски адоватлари, қўни-қўшнилари йиллар давомдаги уриш-жанжалларнинг кескин тус олиши ҳамда бошқа сабаб ва оқибатида содир этилганлиги маълум бўлган.

Шунингдек, оила-турмуш доирасида тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятлардан қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш жинояти (ЖК 104-моддаси) 5 та бўлиб, Юнусобод туманида иккитадан, Яшнобод, Олмазор, Бектемир туманларида биттадан содир этилган.

Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жинояти (ЖК 105-моддаси) 44 та, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жинояти (ЖК 109-моддаси) 68 та содир этилган.

Шу ўринда, «Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи қонуний равишда аёлларнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади. Бундай алоқа жиноий қилмишлар соҳасида ҳам мавжуд. Аёлларнинг бандлиги ва улар томонидан содир этилган жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик кузатилади[12] деган фикрга қўшиламиз. Бундан аёллар жиноятчилигини ва умуман жиноятчилик муаммосини муайян тарихий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганиш керак, деган муҳим методологик принцип келиб чиқади. Муайян ижтимоий вазиятларнинг таҳлили мазкур мураккаб муаммони ҳал қилиш имконини беради.

Жиноятларнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизларни профилактик ҳисобга олиш[13], уларни рўйхатдан ўтказиб, аёллар билан тегишли профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда,



аёлларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини аниқлаб, ёрдам кўрсатиш механизми тўлиқ ишлаши лозим.

Ушбу оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича шаҳар-туман ички ишлар бошлиқлари тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти ҳақидаги маълумотлар билан бирга оила-турмуш муносабатларидаги ҳуқуқбузарликлар рўйхати билан шахсан танишишлиги, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олишлари тавсия этилади.

Шунингдек, Хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикасини такомиллаштириш мақсадида доимий равишда қўйидаги ишларни амалга ошириб борилиши лозим:

- тегишли ҳудуддаги барча сектор раҳбарларига суткалик криминоген вазият ҳақидаги маълумотлар билан бирга, бириктирилган ҳудуддаги оила-турмуш муносабатларидаги ҳуқуқбузарликлар рўйхатини (*фақат Шакл-1 китоби, Шакл-2 журналига қайд қилинган*) чора-тадбирлар белгилаш, сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун юборишлар;
- ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар қайд қилингандан бошлаб уч кун муддатда тегишли жамоатчилик вакиллари, мавжуд муаммоларни бартараф этишга масъул идора ходимлари иштирокида ҳуқуқбузарликни келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб, муҳокамага тўлиқ тайёргарлик кўрган ҳолда ўзи ёки секторлар кесимида бириктирилган ўринбосарлари томонидан муҳокама қилинишини таъминлашлари;
- аниқланган муаммоларни масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда қисқа муддатларда ҳал этиш чораларини кўришлари;
- муаммоларни бартараф этиш имконияти шаҳар ёки вилоят даражасида эканлиги аниқланган тақдирда, мутасадди ташкилотлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси орқали муаммони тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари ўз ҳудудлари доирасида:

- оила-турмуш доирасидаги келишмовчилиги мавжуд оилалар ҳамда шахсларнинг маҳалла кесимида электрон рўйхатини юритиш;
- маҳалла вакиллари билан кунлик суҳбат, жанжалли ҳолатлар бўйича чақирувлар, уйма-уй юриш, шунингдек, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга ташриф буюриш давомида ҳамда аҳоли билан ўтказилган учрашув ва йиғилишларда оилавий келишмовчиликлар ва ўзаро келишмовчилиги мавжуд шахсларни аниқлаш чораларини кўриш;
- фаолияти давомида аниқланган оилавий жанжаллар, ўзаро келишмовчилиги мавжуд шахслар, ҳуқуқбузарликлар (*МЖтКнинг 40,41,52-2,183-моддалари*) ҳақида маълумот келиб тушуши билан, маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари ва жамоатчилик вакиллари билан бартараф этиш чораларини кўради ҳамда ушбу шахслар тўғрисидаги маълумотларни электрон рўйхатга киритиб, ушбу шахсларни ўрганиб боришлари;



- фаолияти давомида ҳудуддаги оилаларда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик қилиш ҳолатлари аниқланганда, белгиланган тартибда хотин-қизларга ҳимоя ордерлари берилишини таъминлашлари;
- содир этилган ҳар бир оила-турмуш муносабатларидаги ҳуқуқбузарликларни ИИБ бошлиғи ёки ўринбосарлари, сектор раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама этилишини ташкиллаштиришлари;
- ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда оила-турмуш муносабатларидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида тарғиботни амалга оширишлари;
- доимий равишда муносабатларида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларга нисбатан “расмий огоҳлантириш” эълон қилиб, уларга нисбатан қонунда кўрсатилган таъсирчан профилактик чоралар кўришлари, содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармонига асосан профилактика инспекторлари ортиқча ва кераксиз юкламалардан озод қилиниб, уларнинг мавжуд 128 та вазифалари 22 тага мақбуллаштирилган[14].

Бу борада, профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралаштириш таъқиқланиши ва ушбу талабни бузилишига йўл қўйган масъул ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилиши лозим.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматида “Ишонч маркази” ўз фаолиятини жорий йилнинг 10 январь кунидан бошлаб, 24 соат узлуксиз хабарларни қабул қилиш[15] йўлга қўйилди.

“Ишонч маркази”нинг “1259” рақамига - оилавий зўравонлик ҳолатлари бўйича хабар бериш ҳамда “1286” рақамига - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларига процессуал-ҳуқуқий ёрдам бериш, ходимлар дуч келган зиддиятли ҳолатлар бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, лозим бўлса бу борада Вазирлик раҳбариятига мурожаат қилиш имконияти берилди.

Мазкур “Ишонч маркази”нинг қисқа рақамлари барча тоифадаги аҳоли қатламларига етказилиши таъминланиши лозим.

Шунингдек, Оғир ва ўта оғир жиноятларини аҳоли ўртасида муҳокама қилиб бориш фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш, мазкур тадбирларга сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг жалб этиш чоралари кўриб бориш;

Бу борада, жойлардаги ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар устидан қатъий назорат ўрнатиши зарур.

Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши, шу жумладан оила-турмуш доирасидаги жиноятлар содир этилишининг барвақт олдини олиш ва низоли оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оилалардаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш,



оиладаги низоларга барҳам беришга қаратилган профилактик тадбирлар янада кучайтирилиб борилиши лозим.

Қўни-қўшни, қариндош-уруғ ёки оилавий низоларда келиб чиқадиган ҳақорат, туҳмат, енгил тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни рўйхатларини шакллантириб, улар билан манзилли профилактик тадбирларни ташкил этиш мақсадида мутасадди давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда зарурий чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг жиноятдан жабрланишини олдини олишда ҳимоя ордери расмийлаштириш амалиёти кенг жорий қилиш, бунда ҳимоя ордерида риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатилиб, чекловларни бузган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриб борилиши зарур.

Худудларда патруллик гуруҳларнинг фаолияти қайтадан кўриб чиқиш, бунда кўча ва жамоат жойларига зарурий куч ва воситалар жалб этиш чоралари кўриш, улар томонидан ўтқир тўғли жисмларни олиб юрувчи шахсларни аниқлаш ва уларга кескин чоралар кўриш керак.

Мулкка қарши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши йўлга қўйилиб, “Фидокор ёшлар” патруллик гуруҳлари ҳамда жамоатчилик назорат масканлари фаолиятини кучайтириш лозимдир.

Миллий гвардия Қўриқлаш хизмати билан биргаликда олиб борилаётган тадбирлар кучайтириш, бунда жиноятчилик таҳлили асосида ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган нуқталар (*объектлар, кўчалар ва б.*) сарҳисоб қилиниб, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда видеокузатув камераларини ўрнатиш, шунингдек хонадон ва савдо объектларни қўриқлаш пултига олиш чоралари кўриш.

Профилактика инспекторлари ваколат доирасига кирувчи ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, тузилган маъмурий баённомаларда белгиланган жарималарни ундириш борасида ишлар доимий равишда назоратга олиш.

“Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тамойиллари асосида барча “қизил” тоифага киритилган маҳаллаларда криминоген вазиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур таҳлили олиб борилиб, таҳлиллар натижаларига кўра, ушбу маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат бошқарув органлари билан ҳамкорликда “маҳаллабай” чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш.

Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардия ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори талаблари асосида “қизил” ва “сарик” тоифали маҳаллаларга жиноятчиликни жиловлаш борасида қўшимча куч ва воситалар жалб этиш ҳамда Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг қўшма патруллик йўналишлари ташкил этиш, “яшил” тоифали маҳаллаларда “ижтимоий профилактика”[16] фаолияти асосида оилалар билан манзилли ишлаш амалиёти йўлга қўйиш.

Уюлмаган ёшлар билан ишлаш бўйича, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиладиган ёшларнинг “маҳаллабай” рўйхатлари шакллантирилиб, хоҳишларига



кўра тегишли касб-хунарларни эгаллаш ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ўқитилишига алоҳида эътибор қаратиш.

Худудий профилактика инспекторлари маҳалла раислари, мактаб директорлари ва ёшлар етакчилари билан биргаликда ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниқлаб, сектор раҳбарлари олдида аниқ масалаларни қўйилишини таъминлаш.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича секторлар кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси бўйича ҳар ой якунида халқ вакилларига ҳисобот бериб бориш.

Хотин-қизлар ва Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар хизмат фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминланиб, бу борада доимий мониторинг ўрнатилиб, ҳудудларга чиққан ҳолда амалий ёрдам кўрсатиш амалиёти йўлга қўйиш.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш.

Ҳар бир фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда профилактика инспекторларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ишчи гуруҳ томонидан мактаб ёшига етган барча вояга етмаганлар ҳамда васийлик ва хомийлик белгиланиши лозим бўлган вояга етмаганларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, уларнинг тўлиқ таълимга жалб этиш чораларини кўриш.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли таъсир чоралари кўриш.

Профилактик ҳисобда турган, айниқса, илгари судланган, маъмурий назоратга олинган, пробация ҳисобида турган хотин-қизлар томонидан қайта жиноятлар содир этилишини олдини мақсадида доимий равишда уларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий даромадини манбаларини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этишга қўмаклашиш ишлари кунлик назоратга олиниши каби чора-тадбирлар ҳар бир ҳудудларда олиб борилса, жиноятларнинг олди олинисида ўз самарасини беради.

Хулоса ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу масалалар юзасидан алоҳида тўхталиб, «Биз “Адолат – қонун устуворлигида” тамойили асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун, аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»[17], деб таъкидлаганлигини биз учун дастурул амал бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

References:

1. Криминология. Дарслик М., 1997. 674.С.



2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 10 январь кунидаги маърузаси.
3. Серебрякова В.А. Криминологическая характеристика женщин-преступниц//Вопросы борьбы с преступностью. 1971, №14. 5.с.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 март ПҚ-2833-сонли Қарори.
5. Республика комиссиясининг 14.06.2019 йилдаги 4-сон қарори
6. ИИБ Ахборот маркази маълумотномаси 2023 йил 12 ой бўйича.
7. <https://lex.uz/docs/5934521>
8. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХПББ ҳимоя ордерларни ҳисобини юритиш локал тармоғи ягона электрон маълумотлар базасининг 2023 йил 12 ой маълумотномаси.
9. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХПББ ҳимоя ордерларни ҳисобини юритиш локал тармоғи ягона электрон маълумотлар базасининг 2023 йил 12 ой маълумотномаси.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХПББ ҳимоя ордерларни ҳисобини юритиш локал тармоғи ягона электрон маълумотлар базасининг 2023 йил 12 ой маълумотномаси.
11. Халимов Ҳ.А. Аёл - оила қўрғони. Қонун ҳимоясида. 1998. №8. –Б.34
12. <https://lex.uz/docs/5749291>
13. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида, 2017 йил «12» июль 151-сонли буйруқ.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармон // <https://lex.uz/docs/5749291>.
15. ИИБнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 417-сон буйруғи
16. Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 30 март кунидаги қўшма қарори
17. Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
18. Кушбаков, Д. (2023). Ақли расолик ва норасолик тушунчалари ҳамда уларнинг мезонлари. Journal of Pedagogical and Psychological Studies, 1(5), 109-116.